

ФОРС ТИЛИДАГИ ГАЗЕТА МАТНЛАРИДА ИШЛАТИЛГАН АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

АҲМЕДОВА ДИЛФУЗА

Филология фанлари номзоди, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақоладан кўзланган мақсад форс тили газета матнларида қўлланувчи атоқли отларни ажратиш олиши ва уларнинг газета матнларида қўлланишида ўзига хос хусусиятини аниқлашдан иборат.

Таянч сўз ва иборалар: публицистик услуб, газета публицистикаси, газета матнлари, от, атоқли от.

Аннотация. Целью данной работы является выявление особенностей употребления имён существительных собственных в текстах современных СМИ, в материалах региональной прессы Ирана и определение их стилистических функций.

Опорные слова и выражения: публицистический стиль, газетно-публицистический стиль, газетный текст, имя существительное собственное.

Abstract. The purpose of this article is detection the nouns in texts of modern media and definition its features in using them in materials of the regional press of Iran.

Keywords and expressions: publicistic style, newspaper-publicistic style, newspaper text, noun.

Маълум бир фикрни ифодалаш учун морфологик шаклларнинг ва синтактик конструкцияларнинг стилистик вариантларидан фойдаланиш ва тилда ана шундай синтактик ва морфологик синонимиянинг мавжудлиги грамматик стилистика ҳақида ҳам сўз юришига асос бўлади.

Ҳар бир функционал стиль ўзининг барча тил яруслари билан бир-биридан кескин фарқ қилмайди, фарқланиш бир ярусда ортиқроқ, иккинчисида эса камроқ бўлиши мумкин¹. Р. Қўнғуров ҳам ҳар бир функционал услуб ўзининг махсус грамматик хусусияти билан тўлиқ равишда иккинчисидан ажралиб турмаслиги, грамматик шакллар ва категориялар ҳамма услублар учун, асосан, умумийлигига тўхталса-да, бундан функционал стилларнинг грамматика билан грамматик стилистика билан алоқаси йўқ деган хулоса келиб чиқмаслиги ҳақида таъкидлайди².

Ҳозирги кунга қадар форс тили функционал услублари, шу жумладан публицистик услубнинг грамматик аломатлари ҳақида фикр юритилмаган. Форс тили сўз туркумларининг грамматик шаклларида маълум даражада функционал услубий чегараланиш сезилиб туради. Бу хусусиятлар сўз туркумларининг турли грамматик категориялари орқали намоён бўлади.

От сўз туркуми форс тили сўз туркумлари ичида энг муҳим ўринни эгаллайди. Бунда унинг семантик хусусиятлари, бошқа сўз туркумларига нисбатан устунлиги билан ажралиб туради.

От сўз туркумининг асосий семантик белгиси предметлилик саналади. Предметлилик тушунчаси бирлик, кўплик, аниқлик, ноаниқлик, жонлилик, жонсизлик каби грамматик категорияларда намоён бўлади³.

Форс тилида от сўз туркуми газета матнларида информатив вазифани бажаради. Маъ-

¹ Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Т., 1984. 33-б.

² Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т., 1980. 20-б.

³ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М., 2001. – С. 102.

Тўпланган мисоллар таҳлил қилинганда, Эрон ўстонлари ва шахрестонларига оид хабарларда Эрон шаҳарлари номларини англатувчи атоқли отлар фаоллиги аниқланди. Шу билан бирга репортаж жанрида қайси шаҳардан тайёрланган репортажни кўрсатиш мақсадида аввал ўша шаҳарни ёзиб, кейин хабарни ёритиш газета матнларидаги шаблонга айланган.

Бейҳан – Хабарлар Рознаме Ҷумҳурии ислами: аз Китоб Сиймӣ Фарҳангӣ Аҷتماعӣ Бейҳан Нӯйсенде Астуд Долтӣ Мухтаран Пӯроҳшгир Ҷамеа Шнаһ Мшهور Хорзотанӣ Ронмаӣ Бә Ам. Мамудзаде аз Тһран: Амаканат Намазхате Һаӣ Айһтга Һаӣ Метро Тһран Бһсар Наҷһз о Наманһаб Аһт

Кузатувлар натижаси шуни кўрсатадики, жаҳон хабарларини ёритишда воқеа юз берган шаҳар номларини англатиб келган атоқли отлар келтирилган ҳолатлар кўп учрасада, пойтахт шаҳарлар номини англатувчи атоқли отлар уларга нисбатан катта қисмни эгаллайди. Бу ҳолат албатта пойтахт шаҳарларнинг маълум мамлакат рамзи сифатида қабул қилиниши билан асосланади.

Сиёсий матнларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда пойтахт номларини англатувчи атоқли отлар кўп ҳолларда ўша мамлакатни ифодалаш учун қўлланади. Масалан, الصباغ ба Ашаре Бә Айне Тһран Бғداد аз Дһт Ашғал Дاعһ Нجات Дад о Мане ар Сقوط Бғداد һд о Агр Нбод Һмайт Айран, Дмһқ о Бғداد Аکنون др Ашғал Дاعһ Бودند, گفت... Бғداد Тһран Тһрон ва Бғداد Атоқли Отлари Шаҳарни Эмас Эрон ва Ироқ Давлати Тимһолида Акс Этган.

Куйидаги жумлалардаги Қаһре Қоҳира Атоқли Оти Миср, واشنطن Атоқли Оти Америка, مسكو Москва Атоқли Оти Россия Маһноһида Қўлланмоқда.

Бә Гзараш Фарһ, "سالّم الصباغ" др گفت وگو ба "روز اليوسف" ба Бһан Айне نزديكى Қаһре о Тһран Аجابرى Аһт, بر ضرورت ايتلاف دو کشور عليه داعش تاكيد و خاطر نشان کرد واشنطن اميدوار Аһт Кә عربستان سعودى روابط ديپلماتيك خود ба Айран ра مجددا از سر بگيرد

مسكو براى گسترش روابط نظامى تمرينات بين المللى ба کشور Һаӣ مختلف از جمله پاکستان برگزار خواهد کرد

Мамлакат ички хабарларига оид саҳифаларда Эрон ўстонлари номини англатувчи атоқли

отларнинг қўлланиши фаол. Ўстонлар хабарларига оид махсус саҳифаларда маълум ўстонда юз берган воқеа-ҳодисаларни ёритишда албатта шу ўстон номларини англатувчи атоқли отлар қўлланади.

др Айн طرح متمركز کشورى, سواداموزان استان همدان پنج صفحه قرآن کريم را Бә خط عثمان طاها نوشتند شدت بارش در استان Һаӣ کهگیلویه و بویراحمد, بوشهر, فارس, نیمه شمالی کرمان, خراسان شمالی, هرمزگان, سیستان و بلوچستان, جنوب کرمان و جنوب خراسان جنوبی خواهد بود

б) Киши исм-фамилиялари. Газета матнларида давлат раҳбарлари, вазирлар, ташкилот раҳбарлари, депутатлар, спортчилар, адиблар, оддий кишилар исм-фамилияларини англатиб келувчи атоқли отлар қўлланиши газета публицистик услубининг яна бир ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Форс тилининг ўзига хос қонун-қоидаларига кўра давлат раҳбари ёки бирор лавозим эгасини исми ва лавозими билан таништиришда аввал исми, шарифи, сўнгра лавозими келтирилади. Ўзбек тилида эса бунинг аксини кўриш мумкин. Масалан ўзбек тилида “Эрон Ислам Республикаси президенти Ҳасан Рухонӣ” бўлса, форс тилида “حسن روحانى” шаклида келади.

ديروز روحانى و اوباما روسای جمهوری اسلامی ایران و آمریکا بعد از اعلام رسمی مرحله اجرایی "برجام", Бә صورت همزمان مصاحبه تلویزیونی انجام دادند

Газета қисқалик ва аниқликка йўналтирилгани инобатга олинса, кўп ҳолларда ё лавозим эгасининг исми ёки лавозимнинг ўзи берилиш ҳолатлари кўп учрайди.

Форс тили газета матнларида киши исми-шарифини англатиб келган атоқли отларнинг қўлланишида ўзига хос жиҳат мақоланинг бошида бирор лавозим эгасининг ҳам лавозими ҳам тўлиқ исми-шарифи келтирилади. Лекин мақола давомида мазкур атоқли от фақат фамилиясини ифодалаш билан чекланади. Буни, албатта, қисқаликка интилиш билан асослаш мумкин.

Масалан, мақоланинг бошида атоқли от مهندس ناصر اسلامی ба اعلام این خبر افزود کەلسا, ماқоланинг кейинги қаторларида اسلامی кўринишида бўлади.



فریدون همتی استاندار قزوین در دیدار مدیران سازمان اقتصادی کوثر با بیان این مطلب اظهار داشت....

همتی با اشاره به برنامه ها و اولویت های مدیریت ارشد استان در خصوص ساماندهی و مدیریت آب بیان کرد

Юқоридаги мисолда ҳам мақоланинг бошида атоқли от тўлиқ шаклда, кейинги қаторларида фақат фамилияни англадиб келмоқда.

в) Ой номлари. Газета матнларида ҳам милодий, ҳам ҳижрий йил, ой номларини англадиб келган атоқли отлар учрайди. Эронда ҳижрий йил ҳисоби бўлгани сабабли мамлакат ичидаги воқеа-ҳодисалар шарҳида шамсий ва қамарий ойлар, халқаро саҳнада юз бераётган воқеалар ривож билан таништириш жараёнида милодий ой номларини англадиб келган атоқли отлар қўлланади.

در ماه اوریل، رئیس جمهور اوپاما رهبران جهان را برای شرکت در اجلاس امنیت هسته ای به واشتنن دعوت کرد

نخستین کنفرانس صادرکنندگان ایران، با حضور مسئولان، صاحب نظران، بازرگانان، تجار و نمایندگان بیش از 700 شرکت کوچک و متوسط ایرانی 16 بهمن در تهران برگزار خواهد شد

От сўз туркуми ўзида предмет маъносини ўз ичига олган бўлиб, бу маъноларсиз бирор фикрни ифодалаш мумкин эмас, шу сабабли от сўз туркумининг қўлланиши нутқ фаолиятининг асосий шарт саналади. Китобий услуб – расмий, илмий, публицистик услубларда от сўз туркумига мурожаат қилиш бошқа услубларга нисбатан устун саналади. Чунки ташкилот, шахс, фаолиятни номлашда отга мурожаат қилиш бу услубларга хос хусусиятдир.



ЭРОН ВА АФҒОН ТИЛШУНОСЛАРИНИНГ ГРАММАТИК АСАРЛАРИДА СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ТАСНИФИ МАСАЛАСИ

ЎКТАМОВА ҲИЛОЛА

Тадқиқотчи, ТошДШИ



Аннотация. Мақолада XX асрда Эрон ва Афғонистонда машҳур тилшунослар томонидан яратилган, форс ва дарий тиллари грамматикасига бағишланган асарларда келтирилган сўз туркумларини таснифлаш бўйича билдирилган тилшуносларнинг фикрлари қиёсий таҳлил қилинди.

Таянч сўз ва иборалар: сўз туркумлари, тасниф, семантика, сўз.

Аннотация. В статье проанализирован сравнительный анализ взглядов лингвистов на классификацию фраз в XX веке, опубликованный известными учеными в Иране и Афганистане, посвященный персидской грамматике и языка дари.

Опорные слова и выражения: части речи, классификация, семантика, слово.

Abstract. The article analyzes the comparative analysis of linguists's opinions on the classification of words in the works of 20th-century scholars in Iran and Afghanistan, dedicated to Persian and Dari grammar.

Keywords and expressions: part of speech, classification, semantics, word.

XX асрда дарий тили Афғонистоннинг расмий тилларидан бири сифатида белгиланиб, форс тилидан батамом мустақил тил сифатида ажралиб чиққанидан сўнг, бу икки тил грамматикасида ҳам айрим тафовутлар яққол кўзга ташланиб қолди. Мазкур мақолада форс ва дарий тилларида сўзларни туркумларга таснифлашдаги умумийлик ва фарқларни очиб бериш мақсад қилиб белгиланди.